

ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПОЛОЖЕНИЯ О ПОРЯДКЕ ВОЗМЕЩЕНИЯ ЗАТРАТ  
ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ КОРМОВЫХ КУЛЬТУР СВЯЗАННЫХ С БУРЕНИЕМ  
ОРОСИТЕЛЬНЫХ ВЕРТИКАЛЬНЫХ СКВАЖИН ДЛЯ ВНЕДРЕНИЯ  
ТЕХНОЛОГИИ КАПЕЛЬНОГО И ДОЖДЕВАЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ НА  
БОГАРНЫХ И ПАСТБИЩНЫХ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКАХ

г. Ташкент,

15 июля 2019 г.,

№ 587

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЛАЛМИ ВА ЯЙЛОВ ЕР УЧАСТКАЛАРИДА ТОМЧИЛАТИБ ВА ЁМФИРЛАТИБ  
СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРӢ ҚИЛИШ УЧУН ОЗУҚАБОП ЭКИНЛАР  
ЕТИШТИРУВЧИЛАРНИНГ СУҒОРИШ ТИК ҚУДУҚЛАРИНИ БУРГУЛАШ  
БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАРАЖАТЛАРИНИ ҶОПЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ  
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон карорининг ижросини таъминлаш, томчилатиб ва ёмфирлатиб суғориш технологиясини жорӣ қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчилар томонидан суғориш тик қудуқларини бургулашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмфирлатиб суғориш технологиясини жорӣ қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларниң суғориш тик қудуқларини бургулаш билан боғлиқ ҳаражатларини ҷоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон карорига 1-илюва билан тасдиқланган рўйхат доирасида ҳар йили 1 июлга қадар 2019 йил ва келгуси йилларда суғориш тик қудуғини бургулаш истагини билдирган озуқабоп экинлар етиштирувчиларниң аниқ рўйхатини шакллантириб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда халқаро

молия институтлари, хорижий хукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг кредитлари (карзлари) ва грантларини 2020 йилдан бошлаб жалб этишни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов, Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 15 июль,  
587-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 587-сон карорига

ИЛОВА

**Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 марта ПҚ-4243-сон карори билан тасдиқланган чорвачилик фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига озуқабоп экинлар етиштириш, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш мажбуриятлари билан лалми ва яйлов ер участкалари ажратилган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда озуқабоп экинлар етиштирувчилар деб аталади) суғориш тик қудуқларни бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари яроқсиз ҳолга келган ёки вақтинча консервация қилинган суғориш тик қудуқларини қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш мақсадида бургуланган суғориш тик қудуқларининг ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан субсидия (кейинги ўринларда субсидия деб аталади) ажратилади.

2019 йил ва келгуси йилларда суғориш тик қудуқларини бурғулаш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таклифига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган суғориш тик қудуқларини бурғулаш параметрлари (худудлар, суғориш тик қудуқлар сони ва чуқурлиги, суғориладиган ер майдони ва бошқа кўрсаткичлар) асосида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплашга субсидия ажратишни назарда тутиб боради.

4. Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб сүғориш технологиясини жорий қилиш учун сүғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатлар ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ қопланади.

## **2-боб. Субсидия олувчи озуқабоп экинлар етиштирувчилар рўйхатини шакллантириш**

5. Сүғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича субсидия олувчи озуқабоп экинлар етиштирувчилар рўйхати ушбу Низомга 2-иловадаги намунавий таркибда тузиладиган ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) томонидан шакллантирилади.

6. Озуқабоп экинлар етиштирувчилар субсидия олиш учун ишчи гуруҳга қўйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

тومчилатиб ва ёмғирлатиб сүғориш технологиясини жорий қилиш учун сүғориш тик қудуқларини қуриш (бурғулаш) бўйича ишчи лойиха нусхаси;

тумчилатиб ва ёмғирлатиб сүғориш технологиясини жорий қилиш учун сүғориш тик қудуқларини қуриш (бурғулаш) бўйича пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси;

тумчилатиб ва ёмғирлатиб сүғориш технологиясини жорий қилиш учун сүғориш тик қудуқларини қуриш (бурғулаш) бўйича якунланган ишларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасининг нусхаси.

Ишчи гуруҳ ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа хужжатларни озуқабоп экинлар етиштирувчилардан сўраб олишга ҳақли эмас.

7. Ишчи гуруҳ озуқабоп экинлар етиштирувчилар томонидан субсидия олиш учун ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган хужжатлар тақдим этилгандан сўнг беш кун муддатда:

хужжатларнинг озуқабоп экинлар етиштирувчи сүғориш тик қудуқларини бурғулаш параметрларига мутаносиблигини ўрганади;

тумчилатиб ва ёмғирлатиб сүғориш технологиясини жорий қилиш учун фойдаланишга топширилган сүғориш тик қудуғини жойига чиқиб ўрганади ва ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга мувофиқ хulosса тайёрлайди;

хужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки ўрганишлар натижасида нотўғри маълумотлар тақдим қилинган тақдирда, уларни озуқабоп экинлар етиштирувчига қайтариб юборади.

8. Томчилатиб ва ёмғирлатиб сүғориш технологиясини жорий қилиш учун сүғориш тик қудуғини қуриш (бурғулаш) якуни бўйича ишчи гуруҳнинг ижобий хulosасини олган ҳамда сүғориш тик қудуғини (куриш) бурғулаш билан боғлиқ харажатларини бир қисмини қоплаш учун субсидия олишга талабгор озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг рўйхати ҳар ойда шакллантирилади ва ишчи гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланади.

Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг тасдиқланган рўйхати ишчи гуруҳ раҳбари томонидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилик давлат қўмитасига, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда вилоятлар молия бош бошқармаларига тақдим этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган субсидия олишга талабгор озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг рўйхатларини умумлаштириб, ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қиласи.

10. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилик давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тақлифига асосан Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан келишувга асосан ва озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг розилиги билан 2019 йил ва келгуси йилларда суғориш тик қудуғини бурғулаш истагини билдирган озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг аниқ рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган параметрлар доирасида ўзгартириш киритиши мумкин.

**3-боб. Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуғини бурғулаш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби**

11. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан субсидия олувчи озуқабоп экинлар етиштирувчилар рўйхати тақдим этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун муддатда субсидия ажратиш учун тегишли маҳаллий бюджетлар параметрларига ўзгартиришлар киритади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар молия бош бошқармалари бир кун муддатда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг шахсий ғазна ҳисобварағларига тегишли бюджет маблағларини ўтказиб беради.

Бунда молиявий йил якуни бўйича мазкур шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушган маблағларни, улар тушган кундан эътиборан икки иш куни ичида тегишлилиги бўйича озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг тижорат банкларидағи ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

14. Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг тижорат банкларидағи ҳисоб рақамига келиб тушган субсидия маблағларига озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг мавжуд кредитор қарзларини қоплаш учун инкассо топшириқномалари қўйилиши мумкин эмас.

15. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуғини қурган озуқабоп экинлар етиштирувчилар томонидан суғориш тик қудуғини бурғулаш бўйича мазкур Низомнинг [3-бандига](#) мувофиқ шакллантирилган рўйхатда кўрсатилган майдондан кўпроқ майдонда бурғулangan суғориш тик қудуқларига сарфланган харажатлар ишчи гурухнинг тегишли хulosаларига асосан келгуси йил учун аниқ рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, белгиланган тартибда қоплаб берилади.

16. 2019 йил ва келгуси йилларда суғориш тик қудуғини бурғулаш истагини билдирган озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг шакллантирилган аниқ рўйхатига кирган озуқабоп экинлар етиштирувчилар томонидан режалаштирилган тик суғориш қудуқларини бурғулаш бўйича ишлар тўлиқ якунланмаган тақдирда, қолган ишларни келгуси йилда давом эттириш ҳамда қилинадиган харажатлар учун субсидия ажратиш учун белгиланган тартибда ишчи гурухга тегишли хужжатлар билан мурожаат қилиши мумкин.

17. Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини халқаро молия институтлари ва хорижий хукumat ташкилотлари

кредитлари (қарзлари) ва грантлари хисобидан қоплаш тартиби мазкур маблағларни ажратиш бўйича келишув талабларига асосан амалга оширилади.

18. Халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорлар билан суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан келишуввлар амалга оширилган ҳолларда, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ахборот киритилиши лозим.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

19. Озуқабоп экинлар етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини бурғулаш харажатларининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш жараёнида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тегишли томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.


20. Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилиши ҳамда субсидиялар ажратилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси томонидан доимий назорат амалга оширилади.

Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги [низомга](#)  
1-ИЛОВА

**Озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш**

**СХЕМАСИ**



1. Озука экинлари етиштирувчиларнинг келгуси йилда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун сугориш тик қудуқларини бургулаш бўйича аниқ рўйхатни белгиланган тартибда шакллантиради.

2. Аниқ рўйхатни ҳар йили 1 июляга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қиласди.

3. Келгуси йилда томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун сугориш тик қудуқларини буруглаш параметрларини тасдиқлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Давлат ветеринария кўмитасига, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига ижро учун юборади.

4. Озука экинлари етиштирувчилар сугориш тик қудуқларини тўлиқ куриб, белгиланган тартибда фойдаланишга қабул килинганидан сўнг тегишли хужжатларни ишчи гурухларга тақдим қиласди.

5. Ишчи гурухлар беш кун муддатда озука экинлари етиштирувчиларнинг хужжатларини сугориш тик қудуқларини бургулаш параметрларига мутаносиблигини ҳамда фойдаланишга топширилган сугориш тик қудугини жойида ўрганади ва хулосаларни тайёрлайди. Хулосалар ишчи гурухлар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Субсидия олишга талабгорлар рўйхатларини ҳар ойда шакллантиради ва тасдиқлаб, келгуси ойнинг 5-санасига қадар Давлат ветеринария кўмитасига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар молия бош бошқармаларига тақдим этади.

6. Субсидиялар ажратиш буюртманомаларни ҳар ой якуни бўйича умумлаштириб, келгуси ойнинг 10-санасига қадар субсидия ажратиш бўйича Молия вазирлигига тақдим қиласди.

7. Субсидиялар ажратиш буюртманомаларни ўрганиб уч кун муддатда субсидия ажратиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят маҳаллий бюджет параметрларига ўзгартиришлар киритади.

8. Ажратилган субсидияни бир кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси ҳамда вилоятлар давлат ветеринария бошқармалари шахсий газна ҳисобварагларига тегишли бюджет маблағларини ўтказиб беради.

9. Келиб тушган субсидияни икки иш куни ичида озука экинлари етиштирувчиларнинг тижорат банкидаги ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Лалми ва ялов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг сугориш тик қудуқларини бургулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан сугориш тик қудукларини бургулаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш бўйича субсидия олувчи озуқабоп экинлар етиширувчилар рўйхатини шакллантирувчи ишчи гурухининг**

**НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гурух раҳбари

2. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси ва вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари бошлиғи, ишчи гурух ўринбосари

3. Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи

4. Қорақалпоғистон Республикаси фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, вилоят фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

5. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири, вилоят иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси бошлиғи

6. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи

7. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Марказий банк бош бошқармаси бошлиғи

8. Худудий гидрогеология экспедиция раҳбари

9. Худудий электр тармоқлари корхонаси директори

10. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси ва вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, ишчи гурух котиби

Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиширувчиларнинг сугориш тик қудукларини бургулаш билан

боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга

**3-ИЛОВА**

«Тасдиқлайман» Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари

– ишчи гурух раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

20 \_\_\_\_ йил «\_\_\_\_»

вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси)да Озуқабоп экинлар етиширувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун сугориш тик қудукларини бургулашга кўмаклашувчи ишчи гурух  
**ХУЛОСАСИ**

вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси)да Озуқабоп экинлар етиширувчиларнинг томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш учун сугориш тик қудукларини бургулашга кўмаклашувчи ишчи гурух \_\_\_\_\_ тумандаги лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий этиш сугориш тик қудугини қурган (бургулаган) озуқа экинлар етиширувчи \_\_\_\_\_ (фермер хўжалиги, бошқа қишлоқ хўжалиги корхона номи)нинг 20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги мурожаатини жойида ўрганиб чиқди ва қўйидагиларни аниқлади:

лалми ва яйлов ер участкаларида сугориш тик қудукларини қурган (бургулаган) озуқа экинлар етиширувчи \_\_\_\_\_ (фермер хўжалиги, бошқа қишлоқ хўжалиги корхона номи)нинг 20 \_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ га майдонда

озуқа экинлар етиштириш учун жами қиймати \_\_\_\_\_ сүм бўлган лойиҳа асосида \_\_\_\_\_ пудрат ташкилоти билан сугориш тик кудугини куриш (буруглаш) учун жами қиймати \_\_\_\_\_ сүм бўлган шартнома тузган;  
 20 \_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ га лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий этиш мақсадида сув чикариш қобилияти \_\_\_\_ м<sup>3</sup>/сек ва чукурлиги \_\_\_\_ метр бўлган сугориш тик кудугини ишга туширган.

#### **ХУЛОСА:**

озуқа экинлар етиштирувчи \_\_\_\_\_ (фермер хўжалиги, бошқа қишлоқ хўжалиги корхона номи)га жами \_\_\_\_\_ сўм микдорида субсидия тўланаш мақсадга мувофиқ.

#### **Ишчи гурӯҳ аъзолари:**

T/p	Ф.И.О.	Имзо	Лавозими
1.			Корақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқарма бошлиғи, <i>иши гурӯҳ раҳбарининг ўринbosari</i>
2.			Корақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи
3.			Корақалпоғистон Республикаси фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, вилоят фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
4.			Корақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири, вилоят иқтисодиёт ва саноатбош бошқармаси бошлиғи
5.			Корақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи
6.			Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Марказий банк бош бошқармаси бошлиғи
7.			Худудий гидрогеология экспедиция раҳбари
8.			Худудий электр тармоқлари корхонаси директори
9.			Корақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси ва вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқарма бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича <i>ўринbosari, иши гурӯҳ котиби</i>

*(Конун ҳүжжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2019 й., 09/19/587/3426-сон)*